

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — “сўм”нинг молия бозорида халқаро нуфузини ошириши ва кенг жамоатчилик ўртасида танилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валюта “сўм рамзи”ни яратиш бўйича танлов ўтказилмоқда.



ДИҚҚАТ: “СЎМ РАМЗИ”НИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ!

Танловда мамлакатнинг миллий валютасини халқаро микёсда ўзига хослигини кўрсатувчи, халқимизнинг маданий қадриятлари ва бошқалардан ажралиб турувчи хусусиятларини ифодаловчи энг яхши графика ишлари аниқланади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари қатнашиши мумкин.

Иштирок этиш учун 2022 йилнинг 31 мартга қадар ариза ва ғоя тасвири ҳамда концепциясини tanlov@cbu.uz электрон манзилига юбориш сўралади.

Ғолибга Марказий банк томонидан пул мукофоти тақдим этилади.

Ҳаёт хулосалари

ҚИЁМАТГА ҚОЛГАН ҚАРЗ

“Қиёмат қарз”, деган жумлани кейинги пайтда жуда кўп эшитаман. Эшитаман-у, кўриб кетаман. Нега, дейсизми? Бу дунёдаги қарзи Қиёматга қолаётганларнинг азобларини хис этиш мен учун оғирлик қияпти-да!

АЛЛОҲ ҚАРЗ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ...

Сиз Аллоҳ учун кимгадир яхшилик қилаверинг. Ишонинг, Аллоҳ Сиздан қарздор бўлиб қолмайди. Керак бўлса, ўн, юз, минг барабар қилиб қайтаради.

Ишонмайсизми, си-наб кўринг. Бундан бошдан ўтказган одам айтаяпти...

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

Архимед бир пайтлар шундай деган эди:

— Менга таянч нуқтасини топиб беринг, ўз ричагим билан Ер шарини кўтараман...

Шуни эслайман-у, ота-онаси борлигида нимагадир эришолмаганларга хайфим келади. Ахир, бизнинг энг мустаҳкам таянч нуқталаримиз ота-оналаримиз-ку!

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

ҲАР КУНИНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ

Халқимиз интиқиб кутган янгилини ва яшариш байрами Наврўз яқинлашмоқда. 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини мамлакатимизда “Ассалом, Наврўз — янгилини, меҳроқибат ва қадр-қиммат айёми!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлаш тўғрисида чиқарилган Президент Фармони асосида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Карантин қоидаларига амал қилган ҳолда бир-биримизни эъзозлаб, эҳтиётлаб кўнгилларни кўтариш ҳам назарда тутилганки, бунда инсон манфаати ва қадри мужассам.

Наврўз халқимизнинг энг севимли байрамларидан бири. Чин маънода баҳор байрами. Бунда дастурхонлар ноз-неъматларга тўлади, деярли ҳар бир ўзбек хонадонидан дошқозонларда сумалак қайнайди. Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми, табиатнинг нақадар гўзал эканини хис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшаш-

га ундаш асосида ёши улугларимиз дуога қўл очиб: “Хуш келибсан, Наврўз! Йилимиз кут-баракали, тўкин-сочин келсин, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин”, дея ният қиладилар.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гулчечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз. Она-табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни чуқур хис қиламиз, янги режалар тузамиз.

Фасли навбаҳорга соғ-саломат етганимизга шукроналар келтириб, пойтахт, вилоятлар ва шаҳару кишлоқларда сайиллар ташкил қилинади, томошалар, байрам тадбирлари уюштирилади. Кексалар ва меҳрга мухтож кишилар йўқлиниб, кўнгиллари кўтарилди, уларнинг ҳолидан хабар олинади. Халқимизга хос бўлган меҳр-муҳаббат рамзи сифатида совғасаломлар улашилади.

НИЛУФАР.



БАҲОР НАФАСИ

2022 йил, февраль

УШБУ СОНДА:

ФИЛИАЛЛАР ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ЎЗГАРДИ

“HAMKORBANK” ЖАМОАСИДАН ЯХШИЛИК АКЦИЯСИ

“HAMKORBANK” ЁРДАМИДА ОРЗУДАГИ УЙ-ЖОЙ

КАРТНИ БАНКОМАТ “УШЛАБ КОЛИШИ” ЭНДИ ЎТМИШ

ИЖОБИЙ РЕЙТИНГ ХАЛҚАРО ТАСДИҚДА

ЮТУҚЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

“МАРҲАМАТ” БХОГА МАРҲАМАТ!

БАНГЛАДЕШ ЭЛЧИСИ ҚАБУЛДА




ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН МОЛИЯВИЙ ПОРТАЛ

Тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланишда жисмоний шахслар ўзларига мақбул ва фойдали молиявий хизматни танлаш бўйича оқилона қарор қабул қилишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида www.bankxizmatlari.uz ахборот портали ишга туширилди.

Портал фойдаланувчиларига тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар учун таклиф этилаётган молиявий хизматлар (кредитлар, омонатлар, валюталарни айирбошлаш,

халқаро пул ўтказмалари ва бошқа хизматлар)ни излаш, улар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, шунингдек, молиявий хизматларни ўзаро таққослаш ҳамда дастлабки ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Газпромбанк” АЖнинг (Россия Федерацияси) ваколатхонаси аккредитация қилинди.

“ГАЗПРОМБАНК” АЖ ВАКОЛАТХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ваколатхона ўзбекистоннинг давлат органлари, молия-кредит ташкилотлари, таълим муассасалари ва хўжалик юритувчи субъектлари билан алоқаларни ўрнатиш, қўллаб-



ГАЗПРОМБАНК

қувватлаш ва ривожлантириш, банкнинг Ўзбекистонда халқаро бизнесини ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, банк томонидан Ўзбекистонда амалга оширила-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлиги асосида аҳолининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда молиявий маданиятини ошириш мақсадида “Молиявий хатолар” номли қўшиқ ва видеоклип ишлаб чиқилди.

“EDUTAINMENT” ФОРМАТИДАГИ МУСИҚИЙ АСАР

Ушбу видеоклип ҳаётий воқеалар ёри-тиш орқали шубҳали молиявий операциялар ва ҳаракатлардан эҳтиёткор бўлишга ундайди.



Банк структурасидаги ўзгаришлар



“Hamkorbank” АТБ филиалларида айрим лавозимларни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, филиаллар таркибий тузилмасига ўзгартириш кiritилди.

ФИЛИАЛЛАР ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ЎЗГАРДИ

Унга кўра, барча филиалларда бевосита филиал раҳбарига бўйсунувчи “Маъмурият” таркибий бўлини ташкил этилиб, унинг таркибига филиал ҳуқуқшунослари, ИТ мутахассислари, техниклар, ходимлар билан ишлаш менежерлари ва офис менежерлари ўтказилди.

Ҳамюртимиз, буюк мутафаккир, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллиги ҳамда 14 февраль — Халқаро китоб совға қилиш куни муносабати билан “Hamkorbank” АТБ томонидан акция ўтказилди.



“HAMKORBANK” ЖАМОАСИДАН ЯХШИЛИК АКЦИЯСИ

Бу хайрли тадбирда Банк ходимлари кичкинтойлар учун нашр этилган янги китоблар, шунингдек, ўзларининг болалик даврларидаги адабиёт намуналарини айтиш даъвои мустаҳкамлаётган ўғил-қизлар учун тўхта этишни мақсад қилди. Аҳил жамоа томонидан тўпланган китоблар Андижон шаҳрида жойлашган вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасининг гематология бўлимида ташкил этилган кутубхонага топширилди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

“HAMKORBANK” ЁРДАМИДА ОРЗУДАГИ УЙ-ЖОЙ



Шубҳасиз, кўпчиликда уй-жой сотиб олиш ёки бориш янада кенгайтириш нияти бор. Бундай юрдошларимиз учун “Hamkorbank” янги ипотека кредитини тавсия этади. Тақдим этилаётган имконият ёрдамида янги қурилаётган уйлар ёки иккиламчи бозордан уй-жой харид қилиш мумкин:

- муддати — 10 йил;
- суммаси — 600 млн. сўмгача;
- ставкаси — йиллик 24%;
- дастлабки тўлов — уй-жой қийматининг 26%.

КАРТНИ БАНКОМАТ “УШЛАБ ҚОЛИШИ” ЭНДИ ЎТМИШ

“Hamkorbank”нинг Нито банкоматлари ёрдамида нақд пул маблағларини контакtsiz ечиб олиб, ортиқча овозгарчиликлардан қутулиш имконияти юзага келди.

Бунинг учун банкомат клавиатураси ёнида жойлашган NFS белгиси устига пластик карта қўйилади, сўнг код ва зарур сумма киритилади. Шу тариқа бир неча сония ичида нақд пул қўлда бўлади.



“AVTOLAYT” — ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ!



“Avtolayt” кредити узоқ навбат кутиб зериққанлар учун айти муддао. Ушбу кредит тўғрисида бемалол иккиламчи бозордан автомобил сотиб олиш мумкин!

Шартлари:

- Фоиз ставкаси: 22,9 % дан 25% гача.
- Муддати: 4 йилгача.
- Бошланғич тўлови: 25 % дан бошлаб.

Эътиборли жиҳати, консалтинг хизматлари бепул тақдим этилади — 0 %

ИЖОБИЙ РЕЙТИНГ ХАЛҚАРО ТАСДИҚДА



“S & P Global Reytings” ва “Moody’s” томонидан “Hamkorbank”нинг “ижобий” рейтингига тасдиқланди.

“Moody’s”:

- Миллий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтинг — “B2”;
- Хорижий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтинг — “B2”;
- Базавий кредит рейтинг даражаси — “B2”.

“S & P Global Reytings”:

- Узоқ муддатли кредит рейтинг — “B+”;
- Қисқа муддатли кредит рейтинг — “B”;
- Базавий рейтинг даражаси — “b+”.

Рейтингларнинг “ижобий” прогнози юқори даромад ҳамда “Hamkorbank” АТБ активларининг яхши сифатга эга эканлигидан далолатдир.

2018 йилда ўз фаолиятини бошлаган “Hamkorbank” АТБнинг Чуст филиали бугун тизимда ўз ўрнига эга. Дастлаб атиги 11 нафар ходим билан иш бошлаган филиал раҳбари Саиджон Содиқов ишни туманнинг иқтисодий салоҳиятини ўрганишдан бошлаб хато қилмаган экан. Аввалгидек банкда ўтириш билан натижага эришиш қийин. Мижозни олдиға борган ютади. Қолаверса, Чустда йирик ишлаб чиқариш корхоналари йўқ ҳисоби. Асосан кичик бизнес субъектлари ва логистика хизмати шаклланган.



ЮТУҚЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Юқоридагилар ўз-ўзидан ходимлар зиммасидаги масъулиятни оширди. Тўғри, илгари “Юксалиш” филиалининг мини банки сифатида фаолият юритган. Бироқ мустақил филиалнинг ташкил этилиши масъулиятни оширди. Рақобатчилар ҳам йўқ эмас.

— Жамоани шакллантиришда ходимларнинг ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратдик. Чунки бу фаолиятимизда катта аҳамиятга эга, — дейди филиал бошқарувчиси. — Бу борада Бош банк ҳам бизни қўллаб-қувватлади. Бунинг самараси жуда тез натижаларда кўрина бошлади. Белгиланган режа топшириқларни ортиғи билан бажаряпмиз. 2021 йилда даромад борасида катта кўрсаткичга эришмасак-да, аксариёт йўналишларда белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Узоққа бормайлик, амалдаги йилда ҳам ўз олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз. Январ ойининг ўзида 31 та янги мижоз қўшилган, кредит қўйилмалари ўсиш режаси 631 миллион сўм белгилангани ҳолда амалда 2 миллиард 788 миллион сўмга бажарилди. Ўз ўрнида даромад ҳам режадаги 620 миллион



ўрнига 700 миллион сўмдан оширилди.

2021 йил якунлари чиндан ҳам қувонарли. Банк ходимлари ўртасида ўтказилган танловларда мазкур филиал ходими Бобур Шаҳобидинов “Йилнинг энг яхши БХО универ-

сал менежери” деб топилган бўлса, Ўткирбек Шомирзаев “Йилнинг энг яхши БХО истеъмол кредит менежери” номинациясида ғолиблар сафидан ўрин олди. Чакана бизнес бўлими бошлиғи Музаффархон Ғафоров ва унинг жамоаси ҳам Фахрий ёрлик билан тақдирланди. Аслида филиалнинг ҳар бир ходими шундай эътирофга муносиб.

Шу ўринда мижозларга хизмат кўрсатишда БХОларнинг ташкил этилиши ўринли бўлганини айтиш лозим. Филиалга қарашли Поп БХО “2021 йилда мижозларга энг сифатли хизмат кўрсатган банк хизматлари офислари” танловида 1-ўринни эгаллагани бежиз эмас.

Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг ортида катта меҳнат бор. Аввал биргина пул ўтказмалари, микрокредит ва истеъмол кредитлари хизматларидан фойдаланилган бўлса, эндиликда банкдаги мавжуд хизматлар тўла амалда. Юридик ва жисмоний шахслар бу банкни танлаётгани ҳам бежиз эмас. Айти вақтда биргина юридик мижозларнинг ўзи 400 тани ташкил этмоқда. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш банк ходимларининг бош мақсади.

— Жамоамиз доим “Мижозга эътибор-иқтисодий юксалиш асоси” қоида-сига амал қилади. Негаки уларга қанчалик эътибор қаратсак, кредит портфелини ўстирсак, шунда иқтисодий ўсишга эришамиз. Яна ходимларни рағбатлантириш ҳам шунга боғлиқ. Ишлаган ходим сира кам бўлмайди.

Аҳиллик билан иш юритаётган Чуст филиали жамоаси ривожланиш йўлида. Филиал раҳбари таъкидлаганидек, уларнинг ютуқлари ҳали олдинда.

Акбаржон НАЗАРОВ.

“МАРҲАМАТ” БХОГА МАРҲАМАТ!

Агар сиз Марҳамат туманида банк хизматларидан фойдаланишни истасангиз, “Hamkorbank”нинг “Марҳамат” банк хизматлари офисига таширф бўйринг ва ўз мақсадингизни маълум қилинг. Хушфеъл ходимлар бир зумда сизга керакли хизматларни кўрсатади ва масаланингизнинг ижобий ечим топишига ёрдам беради. Чунки улар ҳар бир мижозни “Келинг, марҳамат, биздан нима хизмат!” қабилдаги илик сўзлар билан қарши олади.

Шу боисми тармокнинг фаолияти 23 йилдан буён бардавом. БХОнинг 6 нафар ходими вақти келганда 60 кишилик филиал бажарадиган вазифани уйдасидан чиқади. Кичкина жамоанинг 134 та юридик, 1320 нафар жисмоний мижозлари мавжуд. Улар орасида “Ershi shifo savdo” ва “Marhamat shifo savdo” хусусий корхоналари, “Standart gaz invest” масъулияти чекланган жамият каби йирик мижозлари борки, бугун улар ҳисобидаги айланма маблағлар тўғрисида “Марҳамат”нинг даромадига даромад қўшилмоқда.

Битта катта туманга филиал даражасида хизмат кўрсатаётгани учун ҳам бу тармоқ Асака филиалига қарашли БХОлар орасида кредит портфели ва мижозлар сони жиҳатидан етакчи ҳисобланади. Айти пайтда мавжуд 26 миллиард сўм кредит портфелининг 15 миллиард сўми юридик мижозларга, 11 миллиард сўми эса жисмоний шахсларга тўғри келади. Бу портфеллар билан 2 нафар юридик, 2 нафар жисмоний кредит менежерлари шуғулланмоқда.

“Марҳамат” БХО шу кунларда яна бир йирик мижоз билан истиқболли музокараларни якунига етказиш арафасида турибди. Насиб қилса, “Полвонтош нефть қудук таъмирлаш” акциядорлик жамияти билан шартномага имзо чекилиб, унинг ҳисоб-рақами олиб ўтилади. 400 га яқин ходим ва йилига 60-70 миллиард сўм товар айланмасига эга бўлган бу корхона ҳамкорликка БХО бошлиғи Нодирбек Комилов жалб қилди.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.